# КАМОЛОТ

**Ўзбекистон ёшларининг «КАМОЛОТ» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими саҳифаси**

- *Ҳақиқат баҳсларда туғилади*
- *Қимматли таклифлар*
- *Ишонч — ишнинг аввали*
- *Олий лигадан қолишмайди*

Жамият ва ёшлар

## УЙҒОҚ ФИКРЛАР

***Давримиз шиддатли, ўзгаришларга бой кечмоқда. Умумий мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатларда изчиллик, бунинг учун эса кенгаш ва ҳамфикрлик зарур бўлади.***

***Хўш, бугунги ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, мавқеи, кайфияти ва интилишлари қандай? Мавжуд барча муаммоларни ёшлар ташаббуси билан ечиш мумкинми? Бугунги ёшларнинг жамиятдаги ўрни қандай?***

***Яқинда «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимида юқоридаги саволлар ва бошқа масалалар юзасидан «Жамият ва ёшлар» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг туман бўлимларининг раислари, ўқув юртлари, корхоналар, маҳалла ва мактаблардаги жамоатчилик марказларининг вакиллари қатнашдилар.***

***Давра суҳбатини «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Муқаддам Расулова кириш сўзи билан очди. Унда республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси раиси Ҳотам Абдураимов ҳам қатнашиб, ўз фикрларини баён этди. Қуйида анжуман иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.***

**• Бегмат Очилов, «Камолот» жамғармаси Бектемир тумани бўлими раисининг ўринбосари:**

— Бугунги ўтиш даврида жамиятдаги барча муносабатларда бирмунча мураккабликлар зоҳир бўлмоқда. Бунинг сабаби — собиқ Иттифоқ давридаги хомхаёл кайфиятлардан ҳанузгача халос бўла олмаётганлигимиздир. Жамиятимизда янги ҳаётнинг тамал тошлари қўйилаётган экан, ёшларимиз бу тарихий даврда ижтимоий ҳаётда ҳар қачонгидан ҳам фаол қатнашишлари лозим. Бунинг учун ҳали жуда кўп нарсани англашимиз, пухта ўрганишимиз зарур.

**• Раббим Тожиқулов, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтидаги «Камолот» жамоатчилик марказининг раиси:**

— Давлатимиз ёшлар камолоти йўлида жуда кўп ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бу борадаги кўплаб қонунлар, қабул қилинган қарорлар ёшларимиз ҳаётида катта имкониятлар яратади. Айтмоқчиманки, давлатимиз бизга барча зарур имтиёзларни берди. Энди қолгани ёшларнинг ғайратига боғлиқ.

**• Зиёда Юсупова, Сергели туманидаги 104-мактаб ёшлари етакчиси:**

— Тўғри, давлатимизнинг биз ёшларга қилаётган ғамхўрлигини ғурур билан эътироф этишимиз лозим. Аммо кўпчилик тенгдошларимиз ўзларига яратилган жуда кўп имкониятлардан бехабардирлар. Буни ҳаммага етказишимиз учун жамғарма фаолиятини янада жонлантириш зарур.

**• Абдусамад Ҳидоятов, Тошкент авиация институти «Камолот» жамоатчилик марказининг раиси:**

— Ҳамма масалада давлат мадади, кўрсатмаларига суянавериш, менимча, ёшларда боқимандалик кайфиятини туғдиради.

**• Улуғбек Ҳайитов, «Камолот» жамғармасининг «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси бўлими раиси:**

— Умуман, давлат, ёшлар ва жамият ҳаётини алоҳида — айрича тасаввур қилиш мумкин эмас. Бутун фаолиятда уйғунлик зарур. Бунинг учун жуда кўп саъй-ҳаракатлар керак бўлади. Негаки, бугунги ўтиш даврида дунёқарашимизда ўзгаришлар, вазифаларни бажаришда мураккабликлар туғилаётгани сир эмас. Ҳозир ўз мақсадимизга аввалгидек буйруқ ва кўрсатмалар билан эмас, фақатгина онгли ҳаракатлар билан эришишимиз мумкин. «Ҳаммаси аста-секин, ўз вақти келгач, бўлаверади», деб беғам юравериш керак эмас, чунки кўплаб муаммоларни айни кунларда, кечиктирмасдан ҳал этиш лозим.

**• Саида Тўлаганова, Тошкент молия институти «Камолот» жамоатчилик марказининг раиси:**

— Маориф тизимида муаммолар етарли. Менимча, бу соҳада давлатнинг қатъий ва доимий ёрдамисиз бирорта ижобий натижага эришиш мушкул. Ёшлар таълим-тарбияси, маънавиятининг пойдевори айнан мактаб даврида қўйилади. Ушбу давр масъулиятини Мирзо Абдуқодир Бедилнинг ушбу байти орқали таъкидламоқчиман:

**Аввал ғиштни қийшиқ қўйркан меъмор,**
**Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор...**

**• Анвар Абиров:**

— Мен университетнинг иқтисодиёт факультетида ўқийман. Ҳамма ишнинг аввали молиявий-иқтисодий шароитга боғлиқ эканлигини таъкидламоқчиман. Ёшларнинг ижобий интилишларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқ зарур. Шунда ёшлар бозорни ўйламай, илм-ҳунар ўрганиш имкониятига эришади.

**• Муқаддам Расулова, «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси:**

— «Камолот» жамғармасининг асосий мақсадларидан бири ҳам — шу. Ёш тадбиркорлар «Камолот» ҳомийлигида анчагина имтиёзлардан фойдаланиб ҳисоб рақамларини очишлари, ўз фаолиятларини янада кенгайтиришлари мумкин. Ташаббускор ёшлар учун жамғармамизнинг эшиклари доимо очиқ.

**• Мурод Носиров: 2-ҲТБЮ «Камолот» жамоатчилик марказининг вакили:**

— Муаммоларни ҳал этиш учун амалий ҳаракат ва ташаббус ёшларнинг ўзидан чиқиши керак. Шундагина ҳамма интилишларимиз «табиий» бўлади.

**• Абдусамад Ҳидоятов:**

— Камчиликларимизни тан олишимиз керак. Кўпчилик ёшларнинг ҳалиям «Камолот» ҳақида тушунчалари жуда саёз. Билганлари ҳам уни айнан Ёшлар Иттифоқининг давомчиси деб ўйлайдилар. Аммо орадаги фарқнинг қанчалик катталигини биз биламиз, тенгдошларимизга ҳам тушунтириш лозим.

**• Бегмат Очилов:**

— Ҳозир давр ўзгача. Кимники ўзингизга ҳамфикр этмоқчи бўлсангиз, аввало билим ва имкониятларингизга чуқур ишонч зарур. Ҳазрат Навоий айтганларки, «Эл нетиб топкай меникым, мен ўзимни топмамон».

**• Зиёда Юсупова:**

— Жуда тўғри. Мамлакатимизда ўтиш даври, барча соҳаларда янгича муносабатлар шаклланаётган экан, бундай тарбияни энг аввало катталардан бошламоқ керак! «Қуш уясида кўрганини қилади». Фарзандлар ҳам ота-оналарининг хатти-ҳаракатларини айнан такрорлайдилар.

**• Зафар Худоёров, «Камолот» жамғармаси Собир Раҳимов тумани бўлими вакили:**

— «Камолот» имкониятларидан келиб чиқиб, гапирсак: маънавиятни маблағ билан кўтариб бўлмайди. Биз «Отчопар»да савдо қилганимиз билан узоққа боролмаймиз.

**• Улуғбек Турғунов, «Камолот» жамғармаси Собир Раҳимов тумани бўлимининг раиси:**

— Бозор, савдо-сотиққа берилмасдан замонавий билимларни эгаллашимиз керак. Эрта-индин илғор, энг замонавий техника юртимизга ҳам кириб келади, ўшанда мураккаб асбоб-ускуналар олдида саводсизга ўхшаб ўтирмайлик!

**• Улуғбек Ҳайитов:**

— Йўқ, мен бу фикрга қўшилмайман. Бозор — бу замонавий ҳаёт билан юзма-юз келиш, дегани. Бу — давр талаби. Ишонмасангиз, бозорда юрган ёшлар билан мулоқотда бўлинг, савдо-сотиқ илмининг барча талабларидан хабардор улар. Валюталарнинг бугунги қиймати дейсизми, эртага қайси молга талаб кучайди, бозорлардаги ўзига хос хусусиятлар — ҳаммасини «сув қилиб ичишган». Уларни саводсизликда айблаб бўлмайди менимча.

**• Эркин Жўраев, «Камолот» жамғармаси Бектемир тумани бўлимининг раиси:**

— Қўшимча иш жойлари ташкил этиш билан ёшлар эҳтиёжини тўлиқ ҳал эта олмаймиз. Бу ерда кўп сабаблар бор.

**• Муқаддам Расулова:**

— Тўғри, ҳозир шаҳримиздаги кўпгина корхоналарда бўш иш ўринлари талайгина. Аммо нега ишсиз ёшлар келишмаяпти? Давр ҳозир шундай: бугунги нарх-наволар шароитида, агар сиз бир ойда, дўстингиз эса кунига 1000 сўм топса, албатта хаёлда қандай мулоҳазалар кечишини тасвирлаш шарт эмас.

**• Саида Мақсудхўжаева, «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти попопчилик цехининг ишчиси:**

— Бу йил билим юртини тугатиб, корхонамизга келган 140 нафар ёшларнинг амалий машғулотлари тугагач, шулардан ҳозир атиги 10 нафарга яқини ишламоқда. Нега? Чунки меҳнат жараёни ёшлар учун қизиқарли ташкил этилмаганлиги, иш ҳақининг озлиги бунга сабаб бўляпти, деб ўйлайман.

**• Эркин Жўраев:**

— Бунда моддий шароит билан бирга билим юртидаги таълим, ҳунар ўргатишнинг паст савияси ҳам сабабчи. Ҳунар-техника билим юртларида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш вақти келди. Кўпгина билим юртларида машғулотлар номигагина ўтказилади. Ўқувчиларда касб-ҳунарга нисбатан қизиқиш, масъулият уйғотмайди. Фақат стипендия учунгина билим юртида ўқиётганлар ҳам йўқ эмас.

**• Мавлуда Раимжонова, «Камолот» жамғармаси Яккасарой тумани бўлимининг раиси:**

— Менимча, ана шундай салбий ҳолатларни «Камолот» ўз назоратига олса, ўқувчиларда билим юрти ва корхонада ўзига хос, қизиқарли муҳит яратса — шундагина жамғармамизнинг нуфузи янада ошади.

**• Саида Тўлаганова:**

— Тенгдошларимиз ўз фикрларини ҳам эркин айтишга ўрганмаганлар. Матбуотда эса фақат «силлиқ» гапларни ўқиймиз, холос. Ёшлар онгини ўстиришда матбуотнинг ҳам фаол иштироки зарур.

**• Бегмат Очилов:**

— Тўғри, матбуотнинг имкониятлари кенг. Аммо, ҳар қандай баҳс, мунозараларни унинг саҳифаларига олиб чиқиш учун аввало юксак маънавият, масъулият зарур...

**Президентимиз ўз маърузаларидан бирида ислоҳотларнинг сустлашувига сабаб бўлаётган иллатлар ҳақида гапириб, баъзи раҳбарлардаги бефарқлик, масъулиятсизлик ва уқувсизликни қаттиқ қоралаган эдилар. Фикримизча, ана шундай иллатларга муросасиз бўлиш ёшликда олинган тарбия, атрофдаги муҳитга боғлиқ.**

**Ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов: «Ёшлик — илҳом ва гупурган юрак, ёшлик — ғурур, ҳаётсеварлик, чақноқ кўз, ёруғ хаёллар ошноси» деб ёзган эди. Ёруғ хаёллар, уйғоқ фикрларнинг рўёбга чиқиши барчамизнинг ҳамфикр, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ.**



*«Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш корхонаси қошидаги модалар ательесида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган бичувчилардан бири Муяссар Азизова бўлади. Ўз касбининг устаси бўлган бу қиз 5-даражали бичувчи номига сазовор бўлиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонган.*
*СУРАТДА: Муяссар АЗИЗОВА.*
*Холмурод Тошмуҳамедов олган сурат.*

Президент стипендияси соҳиблари

## БАЛОҒАТ ИЛМЛАРИНИНГ ШАЙДОСИ

***«Халқимиз маънавий мероси шу қадар бойки, уни ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмаса керак. Бу хазинанинг салмоғини чамаласак, унда биз билганимиздан кўра билмаганимиз кўпроқ эканига амин бўламиз. Биз тиб илмининг султони деганимиз Абу Али ибн Сино ўн жилдли араб тили грамматикасини ёзгани, у бизгача етиб келмаган мусиқага оид асар битгани ҳайратланарли эмасми? Ўша даврларда илмий асарлар қоидага кўра араб тилида ёзилгани сабабли араблар Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синони асли араб бўлган дейишлари, бу буюк сиймолар билан фахрланишлари ҳар қандай ватандошимиз қалбини ғурурга тўлдиради...»***

Бу гапларни Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг 5-курс талабаси Мирзааҳмад Мирафзаловдан эшитганимда менинг ҳам қалбим ғурурга тўлди. Шунингдек бироз ҳайратландим ҳам. Чунки мўйлови энди сабза ура бошлаган йигитчадан бундай салмоқли сўзларни эшитиш бироз эриш туюлди.

Мирзааҳмаднинг араб тили, адабиёти ва кўҳна маданиятига бўлган қизиқиши жуда эрта шаклланди. Онаси ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлгани учун араб имлосини билар, уни ўғлига ҳам ўргатарди. Бувиси, арабчадан яхшигина саводи бор Соҳиба ая ҳам набирасининг араб тилига ихтисослашган махсус мактабда ўқишини орзу қиларди. Аммо тақдир тақозосига кўра Мирзааҳмад ҳинд тили чуқур ўргатиладиган мактабда ўқий бошлади. Мактабни тугатиб Шарқшунослик институти ҳинд филологияси факультетининг урду бўлимига кирди. Урду имлоси араб имлосига яқин бўлгани Мирзааҳмаднинг араб филологияси факультетига ўтишига имкон берди. Шу билан у ўзи ва бувисининг орзусини рўёбга чиқаргандай бўлди.

— Тупроғимизда яшаб ўтган буюк сиймолар дунё маданиятига нечоғли салмоқли ҳисса қўшганликларини энди англамоқдамиз, — дейди Мирзааҳмад. — Хусусан Ислом маданияти намояндалари дунёда икки буюк инсондан ғоят миннатдор эканликларини доимо эътироф этишади. Бу шахслар бизнинг юрт фарзандлари Сакконий ва Замахшарий бўлиб, уларнинг Қуръони каримни шарҳлашдаги хизматлари буюкдир. Бугунги кунда Замахшарийнинг араб тили грамматикасига оид асари араб мамлакатларида, хусусан Мисрдаги Ал-Азҳар университетида махсус ўқув дастури сифатида ўқитилади. Ҳатто алломанинг бу асарини ўзлаштириш учун махсус арабча-ўзбекча луғат ҳам тузилган.

Мирзааҳмад Қоҳирада Ал-Азҳар университетида ўқиб юрган кезлари бир талабанинг қўлида тўсатдан «Муҳтасарул маоний» номли китобини кўриб қолади. Китобни сўраб уни варақлагани сари қизиқиши ортаверади. Тошкентга қайтгач бу асарни излайди, ниҳоят топиб ўргана бошлайди. Маълум бўлишича, китобнинг асл номи «Улумул балоға» («Балоғат илмлари») бўлиб, муаллифи Саъдиддин Тафтазоний деган олим экан. Бу аллома бениҳоя чуқур ақл-заковат соҳиби бўлса-да оддий қишлоқдан чиққан, кейинчалик соҳибқирон Амир Темурнинг эътиборига тушгач Самарқандга келтирилган, бир неча йиллар пойтахтда, Темур паноҳида баракали ижод қилганлиги ҳам маълум бўлди.

Бугунги кунда Мирзааҳмад аллома Саъдиддин Тафтазоний ҳаёти ва унинг «Улумул балоға» асари устида изланишлар олиб бормоқда. Ёш йигитнинг эътироф этишича, олимнинг бу ноёб асари асосан фикрни етказиш усуллари ҳақида бўлиб, ўша давр илм аҳилларининг ҳисоблашича мазкур усулларни эгаллаган одамларгина балоғат ёшига етган саналар экан. Тадқиқотлар жараёнида Мирзааҳмад бир неча илмий мақолалар эълон қилишга улгурди. Унинг фикрича, асарнинг қадр-қиммати инсон маънавиятини юксалтиришга қаратилганидадир. Шунинг учун Мирзааҳмад ўз изланишларини чуқурлаштириб, бу ноёб хазинани оммага етказмоқчи.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*

## МУШТАРИЙЛАР «КАМОЛОТ» САҲИФАСИ ҲАҚИДА

***Газетамизда ёшларнинг «Камолот» саҳифаси чиқа бошлагандан буён кўп сонли муштарийлар ўзларининг саҳифа ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истакларини телефон ва хат орқали билдирмоқдалар. Бундай таклифлар мақолаларимизнинг янада қизиқарли ва сермазмун чиқишини кўп жиҳатдан белгилаб беради. «Камолот» саҳифасида бугунги пойтахт ёшларининг ҳаёти, ёшлар жамғармаси ҳамда унинг жамоатчилик марказлари фаолияти мунтазам ёритиб борилади.***

***Азиз муштарийлар, саҳифамизнинг ҳақиқий «ёшлар минбари»га айланиши учун унда Сизнинг иштирокингиз ҳам зарур. Сизни ўйлатаётган муаммолар, таклиф ва истакларингиз билан ўртоқлашиш учун таҳририятимизга ташриф буюришингиз, бизга хат ёки 33-99-42 рақамли телефон орқали мурожаат этишингиз мумкин.***

***Қуйида газетхонларимизнинг дастлабки баъзи фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.***

**• Баҳром Саидов, Жаҳонгир Позилов, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабалари:**

— «Камолот» саҳифасида ёшлар учун тадбиркорлик, банк ва бозор муносабатлари ҳақида кичик-кичик мақолалар ҳам берилса, кўпчиликка фойдаси тегар эди. Имконият бўлса, бундай мақолалар умумий эмас, балки шаҳримиз бозорлари ва маълум корхоналар мисолида ёзилса, янада яхши.

**• Тоҳир Фузайлов, ижодкор ёшлар тўгарагининг раҳбари:**

— Тўгарагимизда истеъдодли ёшлар кўп. Уларнинг энг яхши шеър ва кичик ҳикоялари «Камолот»да эълон қилиб борилса, менимча бу яхши рағбатлантириш бўлар эди.

**• Рустам Ҳайдаров, ўрта мактаб ўқитувчиси:**

— Газетада ёшларга алоҳида ўрин ажратилганлиги яхши. Лекин ҳозирча унинг бошқа саҳифалардан фарқи сезилмаяпти. Мақолалар ёшларга хос, қизиқарли тилда ёзилиши, хабарларда эса қандайдир «идеал» фикрлар, расмиятчилик эмас, бугунги ҳаётий ва воқелик акс этиши лозим.

**• Малика ва Барно, нафис санъат лицейи ўқувчилари:**

— Илгари шаҳримизнинг 12 та дарвозаси бўлган экан. Ана шулар тўғрисида, умуман пойтахт тарихи ҳақида мақолалар эълон қилинса. Жуда кўпчилик тенгдошларимиз гўзал шаҳримиз тарихидан бехабардирлар. Ҳозир маърифат ва маънавият ҳақида кўп гапириляпти. Тарихимизни яхши билиш маънавиятнинг асоси-ку.

— Мен «Ниҳол» ёш ижодкорлар клубининг аъзосиман, — дейди бизга телефон орқали «сим қоққан» яккасаройлик Насиба Шодиева. — «Камолот» саҳифаларини ўқиб боряпмиз. Бизга фақатгина саҳифанинг ёшлар учун ташкил этилганлиги маъқул бўлди.

**— Хўш, қайси томонлари сизга маъқул бўлмади?**

— Биласизми, бу саҳифага нимадир етишмаётгандай назаримда. Шундай таклифларим бор: мақолалар имкон қадар қисқароқ ёзилиб, кўпроқ турли соҳаларда ишловчи ёки ўқийдиган ёшларга сўз берилса. Уларнинг бугунги ҳаёти ва муаммоларини кенгроқ ёритиш лозим.

— Таклифингиз учун раҳмат, уни, албатта, ҳисобга оламиз. Бунинг учун сизларнинг иштирокингиз ҳам жуда муҳим!

— Албатта. Биз клубимиз аъзоларининг энг яхши машқлари, хабар ва мақолаларини «Оқшом»га юбормоқчимиз.

**• Дилором Абдушоҳидова, уй бекаси:**

— Фарзандларим 4 ва 6-синфларда ўқишади. Иккаласи ҳам дарсдан кейин уйга келиб, бекор юришарди. Эрмаклари фақатгина «Денди» билан телевизор бўлиб, кўчага ўйнагани чиқишса ҳам хавотирланиб ўтирардим. Газетадан «Камолот-спорт» тўгаракларри ҳақида ўқиб, адалари иккаласини ҳам шарқона кураш шўъбасига олиб бордилар. Мана, икки ойдан буён иккала ўғлимнинг юриш-туриши, уйдаги машғулотлари ҳам ўзгарган. Эрталаб туриб, бадантарбия қиладиган, ҳамма ишларини ўз вақтида, соатга қараб бажарадиган бўлишди. Ёшлар жамғармасига раҳмат, мана биз ҳам фарзандларимизнинг машғулотларидан хавотирланмай, хотиржам бўлдик.

Туман бўлимларида

## ЯГОНА МАҚСАД САРИ

***«Камолот» жамғармаси Шайхонтоҳур тумани бўлимининг раиси Тўлқин Арзиев ҳикоя қилади:***

— Ҳар бир ишнинг ютуғи унинг бошланишида пухта ўйланган режалар, қатъий ва изчил саъй-ҳаракатларга боғлиқ. «Камолот» жамғармаси тузилганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, туман ёшлари ўртасида тезда муҳим мавқени эгаллади. Биласизми, бунинг учун энг аввало, ёшларга, умуман туман жамоатчилигига жамғармамизнинг мақсад ва вазифаларини тўғри тушунтира олиш билан бирга уларда жамғарма билан ҳамкорликнинг афзалликлари ҳамда истиқболи ҳақида чуқур тасаввур ҳам уйғотиш лозим. Менимча, фаолиятнинг энг нозик ва масъулиятли палласи айнан мана шу давр ҳисобланади. Ёшларнинг «Камолот» жамғармаси фаолият йўналиши жиҳатидан кўп қиррали ташкилот ҳисобланади. Масалан, жамғармамизнинг жамоатчилик марказлари қаерда тузилмасин, мактабларда — ўқувчилар дунёқараши ва қизиқишларига мос, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида талабаларнинг талаб ва муаммоларини тушунган ҳолда, ишлаб чиқариш корхоналарида эса — ишчи-ёшларнинг манфаат ва эҳтиёжларига мос фаолият юргизсагина кенг эътироф ва муваффақият қозона олади. Ушбу талабларга қатъий амал қилинган ҳолда жамғарманинг тумандаги меҳнат жамоалари, турли ташкилотлар, шунингдек, маҳаллаларда тузилаётган жамоатчилик марказлари сони тез ўсиб боряпти. Туман солиқ инспекцияси, халқ таълими бўлими, Тошкент метрополитени бошқармаси, Охунбобоев номидаги республика тиббиёт билим юрти, Кўкчадаги тиббий ўқув маркази, «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа кўплаб ташкилотлардаги жамоатчилик марказлари бир вақтда ўша жамоаларнинг таркибий қисми сифатида муваффақиятли ишлаб турибди. Уларнинг фаолияти юқорида айтганимиздек, битта режа ва кўрсатмалар билан бошқарилмайди, балки иш йўналишлари жамоадаги шароит, имконият ва эҳтиёжларни ҳисобга олиб, мустақил белгиланади.

Айни вақтда тумандаги ўрта мактаблар билан ишлашни изчил йўлга қўймоқдамиз. Бундаги асосий мақсад — мактаб ўқувчилари орасидаги ёш истеъдодларни топиш, уларни рағбатлантириш ва тарбиялаш, тарих ва миллий қадриятларимизни чуқур ўргатиш ҳамда тарғиб қилиш, ёшларда ватанпарварлик руҳини камол топтиришдан иборатдир. Шу мақсадда мактабларда спорт, мусиқа, рассомчилик, миллий ҳунармандлик ва шу каби кўплаб тўгараклар очишга ҳаракат қиляпмиз.

Маҳаллаларда тузилаётган жамоатчилик марказлари фаолиятида спорт, тадбиркорлик, бизнес ва ёшларни иш билан таъминлаш масаласи асосий ўрин тутади. Туман ҳокимлигининг жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўлими, бандлик хизмати ва тадбиркорлик жамғармаси ушбу мақсадлардаги асосий ҳамкорларимиз ҳисобланадилар. Жамғармамиз қошидаги «Бизнес ва ҳуқуқ» консалтинг-аудитор масъулияти чекланган жамияти ёш тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳат, йўл-йўриқлар бериш ва улар билан ҳамкорлик қилишга доимо тайёр.

Умуман, режаларимиз йўлида ҳамкорлик қилиш учун туман халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, туман хотин-қизлар қўмитаси, Қизил Ярим ой жамияти, афғон фахрийлари уюшмаси ва шу каби кўплаб жамоатчилик ташкилотлари билан имзоланган қўшма битимларимиз «Камолот» жамғармаси фаолиятининг қанчалик кенг кўламли эканлигини кўрсатади. Ягона мақсадимиз эса — юртимизнинг ҳар томонлама камол топган эртанги муносиб ворисларини тарбиялашдан иборатдир.

## ҚИЗИҚИШ УЙҒОТГАН ЎЙИН

***«Тошқишлоқмаш» корхонасида цехлараро футбол мусобақаларини ўтказиш азалий анъаналардан ҳисобланади. Ҳамза тумани «Камолот» жамғармасининг корхонада фаолият кўрсатаётган жамоатчилик маркази уюштирган бу йилги турнир, айниқса, шиддатли ўтди. Унда корхонанинг 6 та жамоаси ўзаро куч синадилар. Финал ўйинда эса яшил майдонга 3 ва 6-цех жамоалари тушдилар. Кўп сонли мухлислар билан лиқ тўла ўйингоҳда ўтган қизғин курашда 3:0 ҳисоби қайд этилиб, ғолиблик 3-цех жамоасига насиб этди...***



Куни кеча икки команда яна майдонга тушди. Энг қизиғи, бу ўйин финалдаги мағлубиятини тасодиф деб, ўз кучига қатъий ишонган 6-цех жамоасининг талабига биноан уюштирилди. Ушбу ўзига хос ўйин мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Учрашув арафасида ўйингоҳда концерт ва сайил уюштирилиб, ҳақиқий байрамона кайфият ҳукм сурди. Маълумки, «реванш» ўйинлари одатда шахматга хос бўлиб, тожни бой берган собиқ чемпион амалдаги тождорга мағлубиятидан норози бўлиб, «матч-реванш» ўтказишларини талаб қилади. Жаҳон шахмат федерацияси (ФИДЕ) унинг даъволарини кўриб чиқиб, амалдаги қоидага мувофиқ ўйинни олти ойдан кечиктирмасдан, худди олдинги ўйин талаблари асосида (мукофот миқдори, партиялар сони ва ҳоказолар) бирорта шаҳарда ўтказилишини белгилайди. Агар бу ўйинда собиқ чемпион ғалаба қилса, у ўз унвонини кейинги ўйин муддатигача сақлаб қолади. Дуранг ёки мағлубият эса уни кейинги чемпионатнинг даъвогарлар баҳсига тушириб юборади...

Энди 3 ва 6-цехнинг «реванш» учрашуви тафсилотларига келсак, ўйин худди олдинги галдагидек 3-цех командасининг устунлигида ўтиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Улар яна бир бор ўзларининг кучли эканликларини намойиш этиб, олдинги ўйин натижаси тасодиф эмаслигини исботладилар. Ҳужумчилар — Давлат Саидов, Сергей Баско, дарвозабон Баҳодир Жониқулов, 6-цех футболчиларидан эса Мавлон Абдуллаев, Нодир Абдураззоқовлар ҳақиқий футболчиларга хос ўйин кўрсатдилар.

Ғолиб жамоага корхонанинг қимматбаҳо совғалари, кўчма кубок ва 5 минг сўм пул тантанали вазиятда топширилди. Шунингдек, муносиб ўйин намойиш этган 6-цех жамоаси ҳам 3 минг сўм пул ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. «Камолот» жамғармаси жамоатчилик марказининг раиси Ғофиржон Тўхтамуродов қизиқарли ўйин қатнашчиларига катта ютуқлар тилаб, бундай мусобақалар анъанага айланишини билдирди.

*Нарзулла ҲАМРОЕВ.*



*СУРАТЛАРДА: корхона чемпиони — 3-цех футболчилари; жамоа сардори Давлат Саидов бош соврин билан.*

*Муаллиф олган суратлар.*

*Саҳифани «Тошкент оқшоми» мухбири Бахтиёр ҲАЙДАРОВ тайёрлади.*

Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида автоматлаштирилган электр юритма ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш соҳасидаги ўзбек илмий мактабининг асосчиси, академик Музаффар Ҳомидхонов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган автоматлаштириш ва автоматлаштирилган электр юритмалари муаммоларини ўзига қамраган, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирокида Республика миқёсидаги илмий-техника анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман Тошкент Давлат техника университети ректори, академик Тўлқин Миркомилов маърузаси билан очилди.

Ялпи мажлисда техника фанлари доктори, профессор О. Ҳошимов «Академик М. З. Ҳомидхоновнинг ҳаёти, илмий-педагогик фаолияти ва автоматлаштирилган электр юритма муаммолари, истиқболлари» мавзуида, академиклар Х. Фозилов, В. Қобулов, Ё. Тўрақулов, профессорлар О. Файзуллаев, П. Исматуллаев ва бошқалар олимнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси, ташкилотчилиги, инсон ва жамоат арбоби сифатидаги хусусиятлари тўғрисида ўзларининг хотираларидан сўзладилар.

Олий ўқув юртларида

## ИЛМИЙ АНЖУМАН

Анжуманнинг «Электр юритма ва саноат қурилмалари ҳамда технологик комплексларни автоматлаштириш», «Электромеханик системалар», «Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш», «Энергетика тизимлари», «Гидроэнергетика қурилмалари», «Автоматика ва телемеханика» каби 6 та шўъбасидаги 40га яқин маъруза ва чиқишларда муҳим долзарб масалалар кўтарилди.

Анжуманда маъруза, чиқишлар ва бошқа билдирилган фикрлар асосида автоматлаштирилган, ростланувчи электр юритмаларини насос қурилмаларида кенг кўламда қўллаш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ускуналарига энергия тежамкорлигини таъминловчи рақобатбардош янги типдаги автоматлаштирилган электр юритмаларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш ва шу мутахассислик бўйича «Электр юритма ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш» кафедраси қошида бакалавр ва магистрлар тайёрлашни мақсадга мувофиқ деб топилди. Мураккаб динамик объектларнинг бошқариш системаларини моделлаштириш алгоритмлари, баҳолаш ва синтезини яратиш, шунингдек, қийин ифодаланган ишлаб чиқаришни бошқариш объектларининг диагностикаси масалаларини ечиш учун эксперт системаларини татбиқ қилиш, автоматлаштирилган электр юритма ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш соҳаси бўйича ўзбек тилида дарс тайёрлаш, анжумандаги маъқул деб топилган маърузалар матнини тўплам ҳолида чоп этишга қарор қилинди.

Кўтарилган мавзунинг халқ хўжалигини ривожлантиришдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, ушбу соҳа бўйича ҳар икки-уч йилда бир марта халқаро анжуман ўтказишга қарор қилинди.

*Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.*

Меҳмонларимиз

# ЭСДА ҚОЛАДИ

«Бундай ажойиб профессионал ансамблни эшитмаганимга ўн йиллар бўлди», дейди «Артуали Секстет» (Франция) концертига тушган бир бахтли одам. Деярли анчадан бери юксак савияли мусиқа ижросини кўрмаган барча томошабинларнинг фикри ҳам шундай эди. «Секстет» гуруҳи дастурининг асосини Н. Римский-Корсаков ва П. Чайковский, И. Брамс ва Ф. Шуберт, Р. Штраус, А. Шёнберг каби бастакорларнинг XIX аср охирларидан бошлаб, шу кунларгача турли услуб ва йўналишларда яратган асарлари ташкил этади. Жамоа концерт дастурининг ранг-баранглиги эса уларнинг ижодий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Дастлаб «Чолғу ижроси» деб номланган мазкур ансамбль ижодкорлари мусиқани санъатнинг бошқа турлари билан, жумладан, мой-тасвир билан боғлаган ҳолда томошабинга кўрсатиб беришга аҳд қилган эдилар. Уларнинг илк концертлари асосан музейларда, галерея ва кўргазмаларда ўтказилганининг боиси ҳам шунда. Томошабинларнинг сони тобора ортиб бораверди.

Ҳозирги кунда «Артуали Секстет» нафақат Германия, Бельгия, Испания, Италия, Финляндия ва Исландия, Португалия ва Лотин Америкасидаги энг донгдор саҳналардагина чиқиб қолмай, балки Франциянинг ўзидаги турли вилоят ва туманларда ҳам томоша кўрсатишмоқда. Бу билан улар мусиқа маданиятининг турли қатламларига кириб боришига хизмат қилишяпти. Уларнинг томошабинлари — пойтахтлар ва кичик шаҳарчаларнинг аҳолиси, фермерлар ва корхоналар ишчилари, дорилфунун ёшлари ва касалхоналарда даволанаётган беморлар-у уларнинг қаровчиларидир. Ансамбль шу кунга қадар кўпчиликка номаълум классик мусиқа меросини тарғибот қилишга қайта ҳисса қўшмоқда.

Айни чоғда «Секстет» нинг директори Жак Бернер замондош бастакорлар билан бевосита алоқа ўрнатганки, ансамбль ташкил топгандан буён унга атаб 40 дан зиёд махсус мусиқа асари ёзилган.

1992 йил ансамбль учун унутилмас йил бўлди. Зеро, айнан шу йили жамоа «Секстет» деган «Олий мақом»ни олишга муваффақ бўлди. Мазкур гуруҳнинг Ўзбекистонга келиши Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси ва Ўзбекистон маданият ишлари вазирлигининг Франция элчихонаси билан ижодий алоқалари туфайли рўёбга ошди.

Улар бир ҳафта ичида деярли ҳар куни Ўзбекистоннинг кўп жойларида ўзларининг бетакрор санъатларини намойиш этдилар. Бу борада гуруҳнинг касб маҳорати улар эришаётган ижодий ютуқларининг яна бир омили дейиш мумкин. Шунинг учун бўлса керак, санъаткорлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Наманган томошабинлари томонидан жуда юқори мамнуният ва қизиқиш билан кутиб олиндилар. Уларнинг ҳар бир чиқишлари давомли қарсаклар билан қарши олинди. Жануб халқининг меҳмондўстлиги, самимий ва очиқ кўнгиллилиги дунё кўрган санъаткорларни қойил қолдирди. «Тўғрисини айтганда, Испаниядан бошқа ҳеч бир ерда бизни шунчалар илиқ кутиб олишмаганди», «Ажойиб мислсиз шаҳарлар, самимий ва қайноқ қалбли томошабинлар ёдимиздан чиқмайди». Созандаларнинг таассуроти ана шундай. Меъморий ёдгорликлардан ташқари «бир умрга ёдда қоларли Чорвоқ» ҳамда «беқиёс ширин ўзбек миллий таомлари» уларга бир умр Ўзбекистонни эслатиб туради.

*Нигора ҲАСАНОВА,*
*Насиба УМАРОВА.*



*Беланчак болани, бола дунёни тебратади.*
*Рустам Шарипов олган сурат.*

Бу — қизиқ

## ҲЎЛ МАЙКАЛАР...

Ҳа, улар ростдан ҳам ҳўл майкалар дейилади.

- Аввалига бундай футболкани спортчиларга иссиқ кунларда қулай, салқин бўлиши учун тайёрлашни кўзда тутган эдик, — дейди америкалик ихтирочи Элан Вудворд. — Майканинг матоси шундай хусусиятга эгаки, танадаги ҳарорат таъсир этгач, мато ҳаводан кўпгина нам ажратиб чиқаради. Бу нам терга асло ўхшамайди, у тоза ва ҳидсиз худди сувдек бўлади.

Майкани кийганингиздан ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас у худди «ҳўл» дек бўлади ва салқингина юрасиз.

Шу йил ёз ойларида иссиқ иқлимли Калифорния ва Флорида штатларида бу футболкалар 20 доллар нарх билан сотилди. Йўл бўйларидаги ва коллежлар яқинидаги дўкончаларда савдога чиқарилган бундай ғалати кийимга талаб шунчалик ортди-ки, талабга етарли миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтирочининг имконияти етмай қолди. Мана буни ихтиро деса бўлади.

*Фазилат ТОЖИЕВА.*

Дил тубидан

## БЕКАТДАГИ ОДАМ

Бундан анча йиллар бурун университет ўқитувчиларидан бири қариялар уйида ош дамлаб, кексаларни меҳмон қилди. Бир чеккада ғарибгина бўлиб ўтирган Абдурайим исмли кекса кишининг тақдири ҳақида мақола ёзмоқчи бўлдим. Шунда:

— Суҳбатинг чиқса менга ҳам олиб келиб берарсан, — деб тайинлади қария.

Мақола эълон қилингандан кейин анча вақт ўтиб кетди. Йўлим ўша томонга тушиб қолганда газетадан бир нусха олиб Абдурайим отага ташлаб кетиш учун қариялар уйига кирдим. Буни қарангки, отани фарзандлари уйига олиб кетган экан.

Бекатда автобус кутиб турсам, хомуш ўтирган бир қария:

— Болам, кимнинг олдига келувдинг, — деб сўраб қолди.

— Қариялар уйидан мақола ёзувдим, шуни бир чолга ташлаб кетай деб келган эдим.

— Ким эди у?

— Абдурайим деган қария.

— Ҳа-а. Абдурайимни ўғли олиб кетди. Эҳтимол ўша мақоланг чиқиб, одамлардан уялгандир. Ким билади дейсан. Ҳар қалай Абдурайим билан дардлашиб турардик. Уям кетиб қолди.

— Ўша куни сизни кўрмагандим.

— Сизларга кўринишдан уялдим. Биттагина ўғлим обрўли жойда ишлайди. Сизлар суриштириб қолсаларинг нима деб жавоб қилишни билмадим.

— Бу ерда кимни кутяпсиз?

— Ўғлим ҳар замонда келиб кетади. Бугун набирамни олиб келади. Кутишга сабрим чидамаганидан шу ерда ўтирибман.

Бошқа савол бермадим. Шундоқ ҳам барчаси ойдек равшан эди. Лекин қариянинг бир суҳбатдошга муҳтожлигини сезиб, унинг сўз бошлашини кутдим.

— Отам бир ривоятни кўп такрорларди, — ўз-ўзига гапиргандек сўз бошлади қария. — Уни ҳар гал тинглаганимда мен сизни ҳеч қачон хор қилиб қўймайман ота, дея сўз берардим. Уни сен ҳам эшитгандирсан.

Бир мамлакатда қарияларни тоғу тошларга элтиб ташлаш одат бўлган экан. Вояга етган ўғил кекса отасини кўтариб йўлга тушибди. Бир жойга етганда улкан харсангга ўтириб дам олибди. Шунда қария бирдан қаҳ-қаҳа уриб кулиб юборибди.

— Мен сизни ўлимга олиб кетаяпману нимага куласиз, эй ота, — дебди ҳайрон бўлиб ўғли.

— Эй, болам-а. Мен ҳам бир пайтлар отамни орқалаб кетаётиб шу ерда нафас ростлаган эдим. Ўшанда отамни манзилга тезроқ элтишдан бошқа нарсани ўйламаган эканман, — дея жавоб қилибди ота.

Бу гап ўғлига таъсир қилиб, отасини уйига қайтариб олиб кетибди. Виждонга қарши иш қилганини билдирмаслик учун отасини яширинча парвариш қилибди.

Ҳикоя шу ерга етганда падарим менга термулиб қоларди.

— Яхши ўғил экан, — дер эдим мен ҳар доимги гапларимни такрорлаб.

Бу ёғининг нима бўлишини билсанг керак. Мамлакат аҳолиси ўша қариянинг донолиги туфайли сувсизлик балосидан омон қолади. «Қари билганни пари билмас» деган нақл бор. Энди билсам, отам бу ривоятни беҳудага такрорламас экан. Экканингни ўрасан, дейишади. Мен иззат-икром билан отамнинг хизматини қилдим. Унинг борлиги менинг давлатим эди. Отам оламдан ўтганда суянган тоғим қулагандек бўлди. Анча пайтгача ўзимга келолмай юрдим, кейин кўникдим. Болам бировдан кам бўлмасин, кам киймасин деб юраверибману унинг тарбияси ҳақида ўйламабман. Отам айтган эртакларни, ривоятларни ўғлимга айтиб беришга вақтим бўлмабди. Бу ерда мени тушунадиган киши йўқ. Гоҳо хонамга қамалиб тарбия ҳақида, ўғлим ва ўз тақдирим ҳақида кўп ўйлайман. Мен ўзимни доно ҳисоблаб юраверибману отамнинг ўн карра оқилроқ эканлигини англамабман. Болалигимизда отамнинг эртак, ривоятлар сўзлаш, халқ достонларини ўқиб бериши беҳуда эмас экан.

Уларда халқимизнинг руҳияти мужассам бўлгандир. Сен ўқимишли йигит экансан, бу гапларимни эсингдан чиқарма. Болалорингга эртаклар ўқиб бер. Гоҳ-гоҳ ота ва ўғил ҳақидаги ривоятни ҳам эслатиб тургин. Ана шунда кексайганингда пушаймон бўлмайсан. Сени йўлдан қўйганим учун хафа бўлма. Гоҳ-гоҳ биз қарияларнинг эзма сўзларидан маъно қидириб кўрсанг, арзигулиги топилади. Қаерда бўлсанг ҳам омон бўл...

Бу суҳбатга анча йиллар бўлди. Отам дунёдан ўтганларида беихтиёр ўша қария ёдимга тушди.

Отаси оламдан ўтган киши дунёдаги энг катта суянчиғидан айрилар экан. Дастлабки пайтларда, одам худди жарга қулаб кетаётганга ўхшайверади. Лекин кўнгилга таскин берувчи, шоир айтган содда тилак бор.

«Ҳар бир инсон қарисин, қўлларига асо, юзларига доғ тушсин. Дунёдан ўтганда эса фарзандининг қўлидан тупроқ тушсин».

Бекатдаги одамга ўшандай тақдир насиб этармикан?!

*Абдураҳмон ЖЎРА.*

Билиб қўйган яхши

## ЧЕМПИОНЛИК — НАСЛИЙ ҚОБИЛИЯТМИ?

Спортга қобилиятлилик нишоналари наслий аҳамиятга эга экан. Канадалик олимлар 18—22 ёшдаги 8 нафар эркак ва 12 нафар аёл эгизаклар гуруҳининг машқларини кузатиб, шундай хулосага келишди.

Машқлар давомида натижалар бўйича тафовут ана шу эгизаклар ўртасида мунтазам камайиб борди. Айни вақтда бошқа гуруҳдаги кишилар ўртасида ортиб борди. Эгизаклар бир хил наслий хусусиятларга эга бўлиши сабабли уларда муайян спорт «ген»лари мавжуд бўлади, деб тахмин қилишади олимлар.

Шу ҳолат эътиборга олинса, чемпионликка номзодларни олдиндан танлаш имкони туғилади.

## МАРАФОН ЮГУРИШИ БЎЙИЧА

Австралиялик олим, Антарктида экспедициясининг қатнашчиси Ян Макдоналд жанубий қутб ҳудудида муз устидаги 42 километрдан ортиқ масофани марафон югуриши бўйича қисқа вақтда — яъни 4 соату 56 дақиқада босиб ўтди.

Олтинчи қитъадаги иқлимга мослаштириб тайёрланган спорт анжомларининг ўзи етти килограммдан ортиқлигини ҳисобга олсак, бунга эришиш учун олимга у қадар осон кечмаганлигини тушуниш мумкин.

*Акбар АЛИЕВ тайёрлади.*

## ТАБАССУМ

— Бокс бўйича усталикка номзод унвонининг бўлгани ҳолда, ярим кечада учраган йўлтўсардан калтак еб, ёнингдаги пулларингни, устингдаги куртканги ечиб бериб келдингми?

— У тўнка боксда белдан пастга уриш ва тепиш мумкин эмаслигини билмаса, мен айбдор эмасман-ку!

* * *

— Ҳа, Эшматбой, курк товуқдек уйда тухум босиб ётавермай, эркакларга ўхшаб, бундоқ чойхонага чиқсангиз бўлмайдими?

— Бўлмайди!

— Нега?

— Чойхонада ўтирган баъзи бекорчи эркакларнинг ўтган-кетган аёллар ҳақида шаллақи хотинларга ўхшаб ғийбат қилишларини ёқтирмайман.

* * *

Бир аёл эридан сўради:

— Дадаси, айтинг-чи, қулоқнинг оёққа нима алоқаси бор?

— Алоқаси йўқ. Дарвоқе, нега сўраяпсан?

— Чунки, мен кўчага чиқаётганимда қулоғимга зирак тақмасам, юра олмайман.

* * *

Такси ҳайдовчи йигитлардан бири ичкиликни яхши кўрадиган шеригидан сўради:

— Сенинг мижозинг битта бўлса ҳам машинани ҳайдайверасанми?

— Нималар деяпсан, «яримта» бўлса ҳам, жон деб ҳайдайман.

*Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.*

Спорт

## ХОТИРА СОВРИНИ УЧУН

МҲСК кураш залида юнон-рум кураши бўйича генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишланган XXII халқаро турнир ниҳоясига етди.

Тўрт кун давом этган қизғин беллашувларда Марказий Осиё давлатлари ва Россиянинг Татаристон Республикасидан келган 200 нафардан кўпроқ спортчилар гиламга тушдилар.

Умумжамоа ва шахсий ҳисобда полвонларимиз ўз устунликларини намойиш этдилар. Шахсий ҳисобда ўз вазн тоифаларида қуйидаги полвонлар биринчи ўринларни эгалладилар: Дмитрий Коршунов (48 килограмм, Тошкент), Дилшод Орипов (52 килограмм, Тошкент), Аслиддин Худойбердиев (57 килограмм, Самарқанд), Баҳодир Қурбонов (62 килограмм, Тошкент), Григорий Пуляев (68 килограмм, Самарқанд), Андрей Никифоров (74 килограмм, Алмати), Сергей Красильников, (82 килограмм, Тошкент), Даврон Собиров (90 килограмм, Хоразм), Ислом Кенжаев (100 килограмм, Қашқадарё), Шуҳрат Саъдиев (130 килограмм, Бухоро).

*Беҳзод ЭГАМОВ.*

Қонун барчага баробар

# ҚЎЛГА ТУШГАН ВАЛЮТАФУРУШЛАР

***Республика Ички ишлар вазирлиги Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган махсус тадбирлар натижасида шу нарса маълум бўлаяптики, кейинги пайтларда АҚШ долларининг «қора бозор»даги нархи бирданига кўтарилиб кетишига сабаб айнан валюта алмаштирув шохобчаларида долларга «шапка» қўйилиб сотилаётганида экан. Бироқ, «Қинғир иш бошга келтирар ташвиш» деганларидек, бундай валютафурушларнинг кўпчилиги қўлга олиниб, қилмишларидан пушаймон бўлиб ўтиришибди. Агар ўтган 9 ойлик натижаларига назар соладиган бўлсак, олиб борилган тадбирлар натижасида 500 маротаба валюта қоидаларини бузиш ҳолları аниқланган. Шу сабаб 3 миллион 220 минг АҚШ доллари, 640 немис маркаси, 1380 Қувайт динори, 150 миллион 43 минг Россия рубли, 203 минг қозоқ тенгеси, 157 минг тожик рубли, 5 миллион 594 минг сўм давлат фойдасига ундирилиб, шу билан биргаликда 10 дона тилла танга, 1 килограмм 164 грамм қуйма тилла валютафурушлардан олиниб, давлат фойдасига топширилди.***

***Биз Ички ишлар вазирлиги Коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси коррупция бўлими бошлиғи, милиция майори Хуррам Эргашев билан «қора бозор»даги долларфурушлар танобини тортиш юзасидан қилинаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.***

— «Қора бозор»даги долларфурушлар — худди қорақуртларга ўхшайди, — дейди Хуррам ака. — Бизнинг ходимларимиз томонидан ушланган шундай шахсларни мисол тариқасида келтириб ўтадиган бўлсак, Сирғали тумани ҳудудида яшовчи Мич исмли шахс 2300 АҚШ долларини Республика сўмига сотаётган вақтида ушланди. Текширувлар натижасида бу фуқаро «Стимул» кичик корхонасида директор вазифасида ишлаши аниқланди. Унинг турар жойи кўздан кечирилганда тўппонча ва 27 дона ўқ топилди. Бундан ташқари шаҳримиздаги Олой бозорида доимий равишда валютани алиштириб юрадиган гуруҳ қўлга олинди. Гуруҳ бошлиғи Пак Ўзбекистон фуқаросидир. Унинг ушбу гуруҳига Қутбиддинов, Оттаров, Тўйтибенов, Вайганов ва бошқалар киришган. Улар доимо валюта олди-сотдиси билан шуғулланиб, қонунга хилоф ишларга қўл уришган. Улардан 3 минг АҚШ доллари, 92 минг Ўзбекистон сўми, 6 миллион 900 минг Россия рубли ашёвий далил сифатида олинди. Айни дамда бу шахслар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

**— Хуррам Исматович, биз валюта алмаштирув шохобчалари ходимларининг ҳам бундай қинғир ишларда бирмунча ҳиссалари борлигини эшитамиз. Шу тўғрими?**

— Ҳа, бу соҳа ходимларининг қинғирликдаги ҳиссалари, албатта, бирмунча эмас, балки кўпроқ бўлаяпти. Бу ҳақда шуни айтишимиз мумкинки, Халқ банкининг Миробод тумани бўлимининг вақтинча бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Низомова, унинг ўринбосари Ефимова, кредит бўлими бошлиғи Саъдиев, хазинабон Парпиева ҳаммаси биргаликда жиноий тил бириктириб, мансабларини суиистеъмол қилиш натижасида аҳолига бериладиган валюта қийматларини ҳар хил сотилди деган қоғозлар орқали расмийлаштириб, олмаган шахсларнинг ўрнига ўзларининг танишларига сотишган. Бу фактлар юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

1996 йил ноябрь ойигача бўлган текширувлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, 106 минг АҚШ доллари аҳолига сотилмаган. Шундан 58 минг АҚШ доллари Низомовадан ашёвий далил сифатида олинди.

Бундан ташқари халқ қурилиш банкининг Яккасарой туман бўлимининг касса операциялари бўлими бошлиғи Микошенко, кадрлар бўлими бошлиғи Лукянова ҳамда 0502 рақамли шохобча хазиначиси Купченко, назоратчи Красяевалар ўзаро тил бириктириб, 6 минг АҚШ долларини ноқонуний равишда сотувдан беркитишган.

Бу каби мисолларни яна давом эттиришимиз мумкин. Юқоридаги каби тадбирлар нафақат Тошкент шаҳрида, балки бутун республикамиз ҳудудида кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Валюта керак бўлган фуқароларимизнинг кўплари тўғридан-тўғри «қора бозор»га боришади. Нега энди шундай бўлаяпти? Бу борада ҳукуматимиз томонидан қарор чиқди. Улар валюта алмаштириш шохобчалари орқали ўз ишларини бемалол битиришлари мумкин-ку.

*Очил ҲАЗРАТОВ суҳбатлашди.*


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ САВДО • САНОАТ ЯРМАРКАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ

иккинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркасига ўзбек ва хорижий фирмалар, корхоналарни ташриф буюришга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

16 декабрдан 21 декабргача Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмасининг (Ш. Рашидов кўчаси, 40) «ХАМАР» Халқаро алоқалар Марказида

**Ярмаркага қуйидагилар қўйилади:**

- *бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар;*
- *инвестицион лойиҳалар;*
- *илмий ишланмалар ва «ноу-хау»;*
- *қўшма корхона ташкил этиш бўйича таклифлар;*
- *моддий-техника ресурслари, жиҳозлар ва жамламаларни етказиб бериш бўйича таклифлар;*
- *эркин ишлаб чиқариш майдонлари, муҳандислик коммуникациялари, омборхоналар;*
- *қурилиши ниҳоясига етказилмаган иншоотлар;*
- *жиҳозлар ва ишлаб чиқариш майдонлари лизинги.*

**Биз Сизни ярмаркамизда кўришдан бағоят мамнунмиз, бу ерда Сизларга**

**ЯНГИ АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР ШАРТНОМАЛАРНИ ИМЗОЛАШ ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНГИЗНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШНИНГ**

**ажойиб имкониятлари яратилади.**

Ярмаркада иштирок этиш масаласи хусусида ярмарка дирекциясига: Тошкент шаҳри, Миробод даҳаси, 12-уй. Тел. (3712) 54-04-87, 55-56-33. Факс (3712) 55-15-57 мурожаат этиш мумкин.



**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

*Тошкент шаҳар ҳокимининг 1996 йил 8 апрелдаги N 237Ф фармойишига мувофиқ мулкчилик усуллари ва қайси идора тасарруфидалигидан қатъи назар барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳар йили хўжалик-маиший чиқиндиларни тўплаш ва чиқариб ташлаш учун шартнома тузишга мажбурдирлар.*

*Ана шу ҳужжат ижроси мақсадида уни янгилаш ва чиқиндиларни чиқариб ташлаш учун туманларнинг «Махсустранс» автокорхоналари билан 1997 йил учун шартномалар тузишни сўраймиз.*

***МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:***

***47-02-11, 47-05-94.***



**ИШГА МАРҲАМАТ!**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар қўшимча таълим мажмуи қобилиятли, изланувчан, ижодий кишиларни, болалар жамоаларида ишлашни хоҳловчилар учун асосан қуйидаги турли жанрлар бўйича ишга таклиф қилади:

— ёғоч ўймакорлиги
— шарқ миниатюраси
— миллий каштачилик
— зардўзлик
— миллий либос.

**Шунингдек:**

— бадиий ижодиёт
— тарбиявий ишлар бўйича услубчиларни ҳам ишга таклиф этади.

***Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 69-уй. «Дархон» бекати. Метронинг Ҳамид Олимжон бекати. Тел: 33-12-43, 33-54-42.***


Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси жамоаси С. Раҳимов тумани санитария-эпидемиология станцияси коммунал-гигиена бўлинмаси шифокори

**Сирожиддин Сайпиддинович САЙДАЛИЕВНИНГ**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин биродарларига чуқур таъзия билдиради.


**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65. факс: (3712) 33-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690*

*Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ◆ Буюртма Г-0699. ◆ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ◆ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ◆ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ◆ Босмага топшириш вақти 11.30. ◆ Босишга топширилди: 11.30. 5.528 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.